ОЛТИАРИҚЛИК ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

"Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг Фарғона вилояти босқичи ғолиб ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида тақдирландилар.

Республика Халқ таълими вазирининг Дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғаларни ўз эгаларига топширишга бағишланган тадбирда туман ҳокими, секторлар раҳбарлари, ғолиб ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Спорт турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда биринчи, иккинчи ўринни қўлга киритган ҳамда беллашувларда муваффақиятли иштирок этган ўқувчи-ёшларга телевизорлар, велосипед ва планшетлар топширилди.

Туман ҳокими Ш. Турдалиев барча ғолиб спортчиларни эришилган ғалаба билан қутлаб, келгуси ўқиш ва ишларида, республика ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ҳам омад тилади.

2022-08-29 17:58:46